



УДК: 632.7+632.9.

**Соя ўсимлигини ётиб қолишини олдини олиш, ҳосилдорликни ва дон сифатини оширувчи восита сифатида Станлей (Стенли), эм.к. препаратининг биологик самарадорлиги**

**Собирова Мохинур Зокиржон қизи**

Тайянч докторанти

Шоличилик илмий тадқиқот институти

Тошкент давлат аграр университети

**Анотация:** Ушбу мақолада Соя ўсимлигини ётиб қолишини олдини олишда биологик фаол моддаларнинг аҳамияти, уларнинг функцияси, соянинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига биологик фаол моддаларнинг таъсирига оид маълумотлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** соя, биологик фаол моддалар, стимулятор, ўсиш, ривожланиш, фотосинтетик фаолият, дон сифати.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида Соячилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Соя етиштиришни янада оширишга ҳосилдорликни ошириш ва бошқа захиралардан фойдаланиш ҳисобига эришиш керак. Бозор иқтисодиёти қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш соҳасида янги талабларни қўймоқда. Илгари ишлаб чиқилган усуллар қайта кўриб чиқишни талаб қилади, бу табиий-иқлим шароитларининг ўзгаришидан Соя етиштиришнинг замонавий технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ютуқлардан фойдаланишгача бўлган кўплаб омиллар билан боғлиқ. Иммуностимуляция қилувчи таркибий қисмлардан фойдаланиш нафақат тупроқдан озуқа моддаларининг сўрилишини оширишга ёрдам беради, ўсимликлардаги стрессни енгиллаштиради, балки ҳосилдорликни ошириш учун шароит яратади.

2024 йил мавсумида бизга юклатилган вазифадан мақсад Ўзбекистоннинг "Август-азия" МЧЖ томонидан Соя Ўсимлик ётиб қолишини олдини олиш, ҳосилдорликни ва дон сифатини оширувчигосита сифатида янги Станлей (Стенли), эм.к. препаратини синовдан ўтказиш бўлди.





Ўзбекистон Республикасида олимларнинг катта гуруҳи ўсиш стимуляторлари, иммуностимуляция қилувчи дорилар ва микроўғитлардан фойдаланишни ўрганди.

Максимов Н.А. (1958) Соя баргидан ўғитлашда бор таркибига эга препаратлар самараси ҳақида маълумот берган бўлиб, бор гуллаш ва мева беришда бир неча мг / л озуқа эритмасининг жуда паст концентрациясида фойдали таъсир кўрсатишини айтиб ўтган.

Смирнов П.С., Муравин Э.А. (1991) барглардан озиқлантириш учун борик кислотаси ва борни 0,2-0,4 кг / га дозада ишлатилишини ёзган.

Автономов А.И. ва бошқалар (1983) молибден уруғларни намлашда ва баргдан озиқлантиришда 0,01% ли эритма билан ишлатилишини ёзадилар.

Адабиёт ҳисоботларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда Россиянинг кўплаб ҳудудларида ўсимликларни иммуностимуляция қилувчи усулларга катта эътибор берилди.

Алекҳин В.Т. (2004) таъкидлашича, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига маҳсулдорликни ва уларнинг ноқулай экологик шароитларга ва патогенларга чидамлилигини оширадиган ўсимликлар ўсиши регуляторларининг кенг доираси таклиф этилади. Арзон нархларда ва кичик дозаларда улар ҳосилдорликнинг сезиларли ўсишини таъминлайди. Улардан фойдаланиш рентабеллиги 250 дан 2000% гача, биологик самарадорлиги эса 20 дан 60% гача.

Ахатов А.К. ва бошқалар (2006) ёзишича, ўсиш регуляторларидан фойдаланиш ўсимлик организмидаги физиологик жараёнларни ўзгартиришга имкон беради, бу эса морфологиянинг ўзгаришига ва органлар ўртасида озуқа моддаларининг қайта тақсимланишига олиб келади. Ўсиш регуляторларининг таъсири ўсиш жараёнларини ўзгартириши ва унинг патогенларга ҳам, ноқулай экологик шароитларга ҳам чидамлилигини ошириши мумкин.

Колесников А.С. (2007) ёзадики, Сояни натрий гумати билан ўсимликларнинг униб чиқиш босқичида умумий қишлоқ хўжалиги технологияси фонида фойдаланиш уларнинг ўсиши ва ривожланишини рағбатлантиради.

Юқорида келтирилган материаллар иммуностимуляция қилувчи дориларни қўллаш бўйича техниканинг ҳолатини баҳолаш имконини беради. Улардан кўриниб турибдики, дунёнинг барча минтақаларида кўплаб олимлар





иммуностимуляция қилувчи дориларни қўллашни ўрганишган ва ўрганмоқдалар. 2024 йили Ўзбекистоннинг "Август-азия" МЧЖ си томонидан тақдим қилинган "Супер Артиран" с.э. препаратини Соя Ўсимлик ётиб қолишини олдини олиш, ҳосилдорликни ва дон сифатини оширувчивосита сифатида синовдан ўтди.

**Тадқиқотнинг жойи ва усуллари.** Ўзбекистоннинг "Август-азия" МЧЖ си томонидан тақдим қилинган Станлей (Стенли), эм.к. препаратини Соя Ўсимлик ётиб қолишини олдини олиш, ҳосилдорликни ва дон сифатини оширувчи восита сифатида самарадорлигини ўрганиш учун дала тажрибалари Соя Ўсимлик ётиб қолишини олдини олиш, ҳосилдорликни ва дон сифатини оширувчивосита сифатидаги синов препаратига доир тадқиқотлар Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани "Фародис хирмони" фермер хўжалиги Соя экилган майдонида ўтказилди (умумий майдон 3,5 га). Тажриба Соянинг "Таня" навида ўтказилди. Станлей (Стенли), эм.к. таъсирининг самарадорлигини ўрганиш учун тажрибалар давлат кимё комиссияси (1994 ва 2004 йиллар) томонидан чиқарилган "Услубий кўрсатма" га мувофиқ амалга оширилди.

Катта майдонли ишлаб чиқариш тажрибалари. Ер участкасининг умумий майдони 3,5 гектар, тажриба участкалари (вариантлар) 0,5 гектарни ташкил этди, синов тажрибалари март ойида Соянинг тупланиш фазасида амалга оширилди. Текширувларни ўтказиш учун ҳар бир участкада Соянинг ўсиши ва ривожланишининг фенологик кузатувлари олиб бориш учун тадқиқот жойларида мониторинглар ўтказилди. Тажриба 3 қайтариқда олиб борилди..

Биологик самарадорликни ҳисоблаш Абботт формуласи (1929) ёрдамида амалга оширилди.

**Тадқиқот натижалари.** Ўзбекистоннинг "Август-азия" МЧЖ си томонидан тақдим қилинган Станлей (Стенли), эм.к. препаратини Соя Ўсимлик ётиб қолишини олдини олиш, ҳосилдорликни ва дон сифатини оширувчи восита сифатида қўлланилганида самарадорлигик натижалари маълумоти 1-жадвалда келтирилган.

Кузатиш маълумотларидан кўриниб турибдики, Станлей (Стенли), эм.к. препарати 0,3-0,6 л/гасарф меёрида найчалаш ва бошоқлаш фазаларида 0,2 кг/га сарф меёрида қўлланилган "Гумат натрия, 30%" с.э. кук андоза вариантга нисбатан ўсиш ва ривожланишда юқори кўрсаткичларни кўрсатиб, назоратга





нисбатан 3,8 см га узун бўлди. Назорат варианты найчалаш давридан бошлаб бошоқлаш охиригача ўсишда секинлашув кузатилди.

### 1-жадвал

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани “Фародис хирмони” фермер хўжалиги шароитида Соя ўсимлик ётиб қолишини олдини олиш, ҳосилдорликни ва дон сифатини оширувчи Станлей (Стенли), эм.к. препаратининг самарадорлиги, 2024 й.

ВАРИАНТЛАР	Сарф мейёри кг, л/га	ФАЗАЛАРИ	
		Найчаланиш	Бошоқланиш
		баландлик (см)	высота (см)
Назорат	Ишловсиз	18,6	24,9
“Гумат натрия, 30%” с.э.кук. (андоза)	0,2 кг	20,8	28,1
Станлей (Стенли), эм.к.	0,3 л	22,5	29,5
Станлей (Стенли), эм.к.	0,6 л	22,5	29,5

### Ҳосилдорлик

Станлей (Стенли), эм.к. препаратини синовдан ўтказишда Сояда бошоқнинг узунлигини, ундаги донлар сонини, уларнинг оғирлигини ва гектарига ҳосилдорлиги аниқланди (2-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча кўрсаткичлар бўйича вегетация даврида 0,3-0,6 л/гасарф мейёрида қўлланилган Станлей (Стенли), эм.к. препарати устунликка эга бўлди. Эталон вариант тажриба вариантыга яқин натижалар кўрсатиб, назорат варианты энг паст қийматларни берди. Ўсимликларни Найчалаш ва бошоқлаш босқичларида пуркаш Соя ҳосилдорлигини гектарига назоратга нисбатан 5,1 центнерга оширди.

### 2-жадвал

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани “Фародис хирмони” фермер хўжалиги шароитида Соя ўсимлик ётиб қолишини олдини олиш,





ҳосилдорликни ва дон сифатини оширувчи Станлей (Стенли), эм.к. препаратининг ҳосилдорликка таъсири, 2024 й.

Вариантлар	Сарф мейёри кг, л/га	Бошоқ дона.	Узунлиги мм	Дон, дона.	Бошоқдаги дон вазни г.	Ҳосилдорлик, ц/га
Назорат	Ишловсиз	1	11,4	36,7	2,2	19,6
“Гумат натрия, 30%” с.э.кук. (андоза)	0,2 кг	1	12,1	39,6	2,1	23,1
Станлей (Стенли), эм.к.	0,3 л	1	12,6	40,5	2,2	23,7
Станлей (Стенли), эм.к.	0,6 л	1	12,9	41,8	2,4	23,9

#### Хулосалар ва Тавсиялар

1. Станлей (Стенли), эм.к. препарати вегетация даврида 0,3-0,6 л/га сарф мейёрида Сояда яхши биологик самарадорликка эга, ўсимликлар иммунитетини оширади ва ўсувчанлигига ижобий таъсир кўрсатади;

3. Фитотоксиклик аниқланмаган.

#### Адабиётлар шарҳи

1. Автономов А.И., «Хлопководство», Москва, Колос, 1983 г., стр.255.

2. Алехин В.И., «Пути стабилизации фитосанитарной обстановки», Ж.Защиты растений, №1, 2004, стр. 11.

3. Методические указания по испытанию инсектицидов, акарицидов, биологически активных веществ и фунгицидов /Под.ред.проф. Ш.Т.Ходжаев/ Госхимкомиссии РУз - Ташкент. Узинформагпропром. 1994. 96 с.

4. Мустаев Ф.А., Умаров А.А. "Эффективность нового стимулятора роста Навруз" Ж. Защита и карантин растений №10 Москва - 2008.

5. Смирнов П.С., Муравин Э.А. "Агрохимия" Москва 1991.

6. Колесников А.С. ( [info@bashinkom.ru](mailto:info@bashinkom.ru), 2007).





**GLOBAL SCHOLARS**  
SCIENTIFIC PUBLISHING

